



ТЕМИРҲО‘ЛЧОН

Temir yo'llar mamlakatimiz iqtisodiyotining qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan



ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРҲО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-yil • 9-aprel • payshanba • № 14 (6594)

Президент Шавкат Мирзиёев 6 апрель куни солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва солиқ органлари фаолиятини ислоҳ қилишга доир тақдимот билан танишди.

СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Сўнги икки йилда солиқ базаси кенгайгани ҳисобига бюджетга тушумлар ҳажми иқтисодиёт суръатларига нисбатан тезроқ ўсмоқда. Халқаро валюта жамғармаси ҳам мазкур натижаларга солиқ маъмурчилигини кучайтириш ва яширин иқтисодиётни қисқартириш орқали эришилаётганини эътироф этмоқда. Шу билан бирга, тизимни изчил ислоҳ қилиш орқали 2030 йилга бориб, солиқ тушумларини 491,5 триллион сўмга етказиш, иқтисодиётда қузатилмайдиган улушни эса 28 фоиздан 19,6 фоизгача қисқартириш мақсад қилинган.

Йиғилишда солиқ тушумларини оширишдаги энг катта захира яширин иқтисодиётни қисқартириш экани таъкидланди.

Президентимиз рақамли таҳлил ва сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиб, "акпли" назорат тизimini жорий этиш орқали бюджетга қўшимча 30 триллион сўм тушумни таъминлаш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Бу савдо ва хизматлар, sanoat, қурилиш, умумий овқатланиш ҳамда бошқа соҳаларда Р2Р-операциялар мониторинги, товарларни маркировкалаш, рақамли назоратни кучайтириш, юкларни ҳужжатсиз ташиш фаолиятини автоматик аниқлаш ва норасмий бандликни расмийлаштириш каби механизмлардан кенг фойдаланиш ҳисобига таъминланиши мумкин.

Бозорлар ва савдо мажмуаларида назорат тўлиқ йўлга қўйилгани, рақамлаштириш ишлари етарли эмаслиги оқибатида ушбу йўналишдаги имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётгани қайд этилди. Бугунги кунда бу ерларда 72 мингдан ортиқ чакана савдо субъекти фаолият юритмоқда. Бироқ уларнинг 38 мингдан ортиғи товар айланмасини ойига 1 миллион сўмдан кам кўрсатган, 40 мингдан зиёди эса кунига атиги 2-3 та чек бермоқда. Шунингдек, бозорлардаги 12 мингта савдо нуқтаси бўйича ижара шартномалари ҳисобга қўйилмаган. Натижада 37 минг тадбиркор ойига 500 минг сўмдан кам солиқ тўлаган.

Шу боис, бозорлар ва савдо мажмуаларини тўлиқ рақамлаштириш ҳисобига қўшимча тушум манбаларини ишга солиш, назорат, солиқ хизмати ва рақамли кузатувни ўзаро интеграция қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда стратегик бўлмаган йирик солиқ тўловчиларга ҳудудларда хизмат кўрсатиш масаласи ҳақида ҳам сўз борди.

Давоми 2-бетда

Расмий тайнлов

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг буйруғига биноан:

МАМАТХАНОВ Азамат Тажибоевич – “Қўнғирот минтақавий темир йўл узели” филиали бош муҳандиси;

ПАЛИМБЕТОВ Азамат Садатдинович – “Қўнғирот минтақавий темир йўл узели” филиали бошлигининг молия ва иқтисод масалалари бўйича биринчи ўринбосари;

ГИЯЗОВ Фарҳад Сайткулович – “Соғдиана Транс” масъулияти чекланган жамияти директорининг биринчи ўринбосари этиб **ТАЙИНЛАНДИ.**

“БАЙТҚЎРҒОН – ПАРКЕНТ” ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛ УЧАСТКАСИДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ЯҚУНЛАНДИ



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ “БАЙТҚЎРҒОН – ПАРКЕНТ” ТЕМИР ЙЎЛ ЛИНИЯСИНING ҚУРИЛИШИ 2025 ЙИЛ ЯНВАРЬ ОЙИДА БОШЛАНГАН ЭДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг транспорт-логистика тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 28-сон қарори асосида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ушбу йирик лойиҳа доирасида темир йўл узунлиги 24 километрдан иборат бўлиб, “Паркент” темир йўл станциясида 50 ўринли темир йўл вокзали қуриб битказилди, 3 дона темир-бетон кўприк, 1 дона автомобиль йўл ўтказгич, 76 дона сув ўтказиш иншооти ҳамда 16 дона автомобилли йўли ва темир йўл кесишмалари қурилиши белги-ланган эди.

Бугунги кунга келиб мазкур участкада темирйўлчилар томонидан тупроқ ишлари тўлиқ тугатилиб, 24 километрлик темир йўл излари ҳам ётқизиб бўлинди. ПК43+12; ПК62+68; ПК124+19; 208+84 кўриқланадиган темир йўл кесишмасида ҳам темир йўл изини ўрнатиш ишлари тугатилди ва 51 та айлана темир-бетон қувурларининг барчаси 100 фоизга бажарилди. Лойиҳа бўйича белгиланган 13 та тўғри бурчакли темир-бетон қувури ҳамда 8 та дюкер, 2 дона акведук, 6х3 ўлчамли 2 дона тўғри бурчакли бетон қувури сунъий иншоотларида қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ якунига етказилган.

“Байтқўрғон – Паркент” йўналишида Чирчиқ дарёси усти-

дан ўтувчи кўприк пойдевори ва таянч қисмлари тўлиқ ўрнатилиб, балкаларни монтаж қилиш ишлари ҳам яқунланди ва рельслар ўрнатилди. Қорасув

дарёси устидан ўтувчи кўприқда ҳам пойдевор ва таянч қисмлари тўлиқ ўрнатилиб, бугунги кунда балка монтаж қилиш ишлари яқунланди, кўприкнинг ён тўсиқлари ҳам ўрнатилиб, Паркентсой ёнидан ўтувчи кўприқда қурилиш-монтаж ишлари тугатилди.

Ҳозирда участка бўйлаб контакт тармоғи қурилиши бўйича жами таянч (опора) 570 та 100 фоизга, консоль ўрнатиш 540 та бўлиб, 100 фоизга, контакт симларини ўрнатиш ишлари лойиҳа бўйича 24 километрга 100 фоиз бажарилди. Темир йўл линияси бўйлаб алоқа ва сигнал блоклаш, қирғоқни мустаҳкамлаш ишлари ҳам сифатли амалга оширилди.

Бугунги кунда темирйўлчилар томонидан ушбу участкада барча қурилиш ишлари муваффақиятли тугатилди ва фойдаланиш учун тайёр ҳолатга келтирилди. Қувонарли-

си, мазкур йирик лойиҳа яқин орада фойдаланишга топширилган, Тошкент вилоятининг Паркент тумани ҳам сайёҳлик манзилига айланади. Бу нафақат маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринларини яратди, балки мамлакат туризм секторига ҳам катта фойда келтиради. Электрлаштирилган темир йўл қурилиши, албатта, бу жараёни янада осонлаштиради. Чунки транспорт алоқаларининг яхшиланиши саёҳатчиларни кўпроқ жалб қилишга ёрдам беради. “Байтқўрғон – Паркент” темир йўл линиясининг қурилиши ва замонавий поездларнинг ҳаракатланиши тез орада Тошкент вилоятидаги яна бир сўлим масканда дам олиш масканини ривожлантиришга, туризм имкониятларини оширишга катта хизмат қилиши шубҳасиз.

Рустам ҲАЙДАРОВ

КАСАБА УОШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

2026-2028 ЙИЛЛАРГА ЯНГИ ЖАМОА ШАРТНОМАСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕГИШЛИ ҚАРОР ТАСДИҚЛАНДИ

“Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали ҳамда ўзел Ҳудудий касаба уюшма кўмитасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасида белгилаб олинган мажбуриятлар яқунлари ҳамда 2026-2028 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномаси лойиҳасини тасдиқлашга бағишланган филиал раҳбарияти ва Ҳудудий касаба уюшма кўмитаси аъзоларининг биргаликдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Кун тартибидоги биринчи масала 2023-2025 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси бандларини 2025 йил давомида бажарилиши бўйича олиб борилган ишлари бўйича “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали бошлигининг 1-ўринбосари Шавкат Нурматов ҳамда Ҳудудий касаба уюшма кўмитаси раиси Ғулломбой Сабиров маъруза қилди.

Ўзел раҳбарияти ҳамда Ҳудудий касаба

уюшма кўмитаси ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган Жамоа шартномаси бандларининг 2025 йил давомида бажарилиши бўйича далолатномасини узелнинг Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бўлими бошлиғи Умид Минглиев ўқиб эштитирди.

Ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган 2026-2028 йилларга мўлжалланган “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали ҳамда Ҳудудий касаба уюшма кўмитаси



ўртасида тузиладиган янги Жамоа шартномаси лойиҳаси билан Ҳудудий касаба уюшма кўмитаси раиси ўринбосари Орф-

жон Тухтаматов таништирди.

Кун тартибига киритилган барча масалалар юзасидан музокараларда сўзга

чиққан ходимлар томонидан 2023-2025 йиллар учун тузилган Жамоа шартномаси бандларининг 2025 йил давомида “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбарияти ҳамда Ҳудудий касаба уюшма кўмитасининг олиб борган ишлари маъқуллаш;

2023-2025 йиллар учун тузилган Жамоа шартномаси бандларининг 2025 йил далолатномаси тасдиқлаш;

2026-2028 йиллар учун янги Жамоа шартномаси лойиҳасини тасдиқлаш бўйича тақлиф бердилар.

“Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбарияти ва Ҳудудий касаба уюшма кўмитаси томонидан 2026-2028 йилларга янги Жамоа шартномасини қабул қилиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

ИЖТИМОЙ СОҶА

ЖАРАЁН

2025 ЙИЛДА БАЖАРИЛГАН ВАЗИФАЛАР БЎЙИЧА ҲИСБОТ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва демократик жараёнлар ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олмоқда. Бу темирйўлчилар ҳуқуқлари ва манфаатларининг ишончли ҳимоячиси бўлган касаба уюшмалари фаолиятига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Янги Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига кўтаришдек доно сиёсати замирида айнан халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш, ҳаётдан розилигини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам. Ана шу мақсадларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этиш касаба уюшмаси кўмиталарининг биринчи галдаги энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги қонуннинг 27-моддасида "Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини ҳал қилишда иштирок этишга бўлган ҳуқуқ" жумласи киритилган. Ушбу моддани ҳаётга татбиқ этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 65-79 моддаларига асосланиб, корхона ва ташкилотларда иш берувчи ҳамда касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасида Жамоа шартно-



малари тузилиб, унинг бажарилиши назорати касаба уюшмаси кўмиталари томонидан амалга оширилиб келинмоқда.

"Термиз минтақавий темир йўл узели" филиали аҳил жамоасининг 4 минг нафардан зиёд темирйўлчилари темир йўл соҳасининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Ишчи-ҳодимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар Жамоа шартномасида ўзининг тўла ифодасини топади.

Темирйўлчилар учун муносиб меҳнат шартларини яратиш, иш жараёнида жараҳатлар ва касб касалликлари эҳтимолининг олдини олиш, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасига риоя этиш, бу борадаги ишлар натижадорлиги ти-

зимла баҳолаб борилмоқда. Зарарли меҳнат шартларидан ишлаётган ишчи-ҳодимларни сут маҳсулотлари, махсус кийим-бош, оёқ кийим ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан мунтазам таъминлашга эришилмоқда.

"Термиз минтақавий темир йўл узели" филиали ва Худудий касаба уюшма кўмитаси ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган Жамоа шартномаси бандларининг 2025 йил давомида бажарилиши юзасидан ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда узел бошлиғи Ф.Мамадалиев ҳамда Худудий касаба уюшма кўмитаси раиси К.Каримовларнинг ҳисоботлари тингланди.

Маърузаларда корхоналарнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳалари қамраб олинди. Жамоа шартномасида қабул қилинган 232-бандларнинг барчаси тўлиқ бажарилганлиги

таъкидланди. Ҳисобот йиғилишида сўзга чиққанлар меҳнат жамоаларида ҳисобот даврида эришилган меҳнат натижалари ҳамда ижтимоий, жамоат ишларида олиб борилган тадбирлар тўғрисида сўзлаб, 2025 йилда Жамоа шартномаси бандларининг бажарилишини қониқарли деб топдилар.

Йиғилишда шунингдек, "Термиз минтақавий темир йўл узели" филиали ҳамда Худудий касаба уюшма кўмитаси ўртасида 2026-2028 йиллар учун янги тахрирдаги Жамоа шартномаси қабул қилинди. Келгусида ушбу йўналишдаги ишлар режа асосида тизимли ҳамда самарали равишда давом эттирилади.

К.КАРИМОВ,
"Термиз минтақавий темир йўл узели" филиали Худудий касаба уюшма кўмитаси раиси

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида "Қарши минтақавий темир йўл узели" филиали раҳбари М.Мирзаев томонидан "Қарши" локомотив депосида навбатдаги назорат текшируви ташкил этилди.

"ҚАРШИ" ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИДА НАЗОРАТ ТЕКШИРУВИ ЎТКАЗИЛДИ

Мазкур текширувдан кўзланган асосий мақсад – темир йўл тизимида ҳаракат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, локомотивлар эксплуатацияси ва техник хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, шунингдек, ишчи-ҳодимлар фаолиятини жойида ўрганишдан иборат бўлди.

Назорат жараёнида локомотивларнинг техник ҳолати, уларнинг эксплуатация талабларига мувофиқлиги, режали таъмирлаш ишлари ҳамда техник хизмат кўрсатиш жараёнлари атрофида кўздан кечирилди. Шунингдек, локомотив бригадаларининг смена давомида хизмат вазифаларини масъулият билан бажариши, техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиши ва ҳаракат хавфсизлигига тўсқинлик қилувчи ҳолатларга йўл қўймаслик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.



Депо таъмирлаш цехларида амалга оширилаётган ишлар, эҳтиёт қисмлар билан таъминланганлик ҳолати, меҳнат шартлари ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг самарадорлиги ҳам батафсил ўрганилди.

ТАДБИР

ЙЎЛ БОЛАЛАР КАСАЛХОНАСИДА НАВРЎЗ БАЙРАМИ ШУКУҲИ

Ўтган ҳафта Наврўз байрами муносабати билан "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти "Темир йўл ижтимоий хизматлар" масъулияти чекланган жамияти йўл болалар касалхонаси филиалида байрам тадбири ташкил этилди.



Эрта тонгдан касалхона аёллари томонидан эзгу ниятлар билан сумалар тайёрланиб, барча ходимлар учун миллий таомлар – кўк сомса, ширинликлар ва анъанавий ош билан дастурхон ёзилди.

Жамоа аъзолари бир-бирларини самимий табриқлаб, байрамни илиқ ва кўтаринки кайфиятда нишонладилар.

Тадбирда "Темир йўл ижтимоий хизматлар" масъулияти чекланган жамияти бош ди-

ректори М.Мамасидиков ҳамда Бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Х.Асадуллаевлар иштирок этишди. Улар жамоани байрам билан самимий табриқлаб, эзгу ниятларини билдирдилар.



СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАТАДБИРЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Хусусан, 209 мингта ҚҚС тўловчи солиқ органларидан узоқда жойлашгани сабабли хизмат кўрсатиш ва назорат самарадорлиги пайсага қайд этилди. Шу муносабат билан 500 та стратегик бўлмаган корхона назоратини вилоят даражасига, 103 мингдан зиёд қишлоқ ҳужалиги, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини туман даражасига ўтказиш тақдир қилинди. Мазкур ёндашув солиқ тўловчиларга жойида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, муаммоларни тезкор ҳал қилиш ва назорат самарадорлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Тадбиркорлар учун солиқ маъмурчилигини соддалаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтказилган сўров натижаларига кўра, тадбиркорларнинг аксарияти текширувлар, ҳисобот топшириш ва солиқ тўлаш жараёнларининг мураккаблигидан норози экани айтилди. Шу муносабат билан "автоматизация" назоратни жазолаш воситасидан хатони барвақт аниқлаб, тузатишга хизмат қиладиган профилактика тизимига айлантириш, корхоналарни хавф даражасига қараб, "яшил", "сарик" ва "қизил" тоифаларга ажратиб ишлаш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, 6 турдаги ҳисоботни инсон аралашувисиз автомат шакллантириш ва ягона солиқ ҳисобварағига ўтиш ишларининг бориши ҳақида ахборот берилди. Бугунги кунда 198 минг ҳолатда ҳисобот мuddати бузилгани, 14,7 минг солиқ тўловчи ҳисобот бермагани учун 396,6 миллиард сўм жарима қўлланилгани, солиқларни тўлашда ҳисобварақлар сони ортиб кетгани боис, 20 мингта хатоликка йўл қўйилгани айтилди.

Янги тизим жорий этилса, асосиз солиқ қарзи, ортиқча тўлов ва пеня қўллаш амалиёти қисқартирилиб, тадбиркорлар 8,4 триллион сўм

маблағни тежаш мумкинлиги қайд этилди. Янги ёндашув натижасида текширувлар сони камайиши, ҳисоботлардаги хатолар кескин қисқариши, мурожаатларни кўриб чиқиш тезлашиши ҳамда колл-марказлар фаолияти сезиларли яхшиланиши кутилмоқда.

Тақдиротда солиқ органлари фаолиятидаги энг асосий масала кадрлар салоҳияти экани ҳам кўрсатиб ўтилди.

Сўнгги йилларда бу йўналишдаги ишлар етарли даражада ташкил этилмагани сабабли кадрлар кўнимсизлиги ошган. Ходимларнинг малакасини ошириш даражаси пастлиги, моддий рағбатлантириш тизими замон талабларига жавоб бермаслиги, ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмлари етарли эмаслиги қайд этилди. Хусусан, 2022 йилда 3 мингдан ортиқ ходим малака оширган бўлса, ўтган йили бор-йўғи 700 нафари қайта ўқитилган.

Шу муносабат билан кадрлар малакасини ошириш, узлуксиз таълимни йўлга қўйиш, ходимларни моддий ва ижтимоий рағбатлантириш бўйича янги тақдирот тақдим этилди. Кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида Солиқ кўмитаси ҳузуридаги Солиқ академиясининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чоралари белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбари солиқ маъмурчилигида рақамли технологиялар, таҳлил ва сўнгий интеллект асосида мулқоқ янги иш услубини жорий этиш, тадбиркорлар учун қулай ва адолатли солиқ муҳитини яратиш ҳамда соҳада малакали кадрлар корпусини шакллантириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Солиқ тизими фаолиятини "текширувдан – сервисга" тамойили асосида трансформация қилиш, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш ва назоратнинг замонавий, самарали механизмларини йўлга қўйиш устувор вазифа сифатида белгиланди.

President.uz

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

ФИРИБГАРГА ҚОНУНИЙ ЖАЗО ҚўЛЛанилди

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги Ниёзбоши маҳалласида тинч-тотув ҳаёт кечираётган обрў-эътиборли, намунали оилалардан бири қинғир иш туфайли разолатга юз тутди.

Олий маълумотли, касб-корли Мурод Аҳмедов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) турмуш ўртоғи Насиба Абдуллаева билан уч нафар фарзандини юртимиз равнақи йўлида хизмат қиладиган инсонлар бўлиб етиштириш учун барча шароитга эга, яқинлари кўриб, ҳавас қиладиган оила эди.

Бироқ М.Аҳмедов тўқликка шўхлик қилди, тузуккина касбидан топаётган маошига қаноат қилмай, жиноят ва фирибгарлик йўлига қадам қўйди. Жиноий режасининг "биринчи қўрбони" эса бегона эмас, таниши ёхуд яқинлари ҳам бўлмай, айнан турмуш ўртоғи, фарзандларининг суюкли онаси Н.Абдуллаева бўлишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз?!

М.Аҳмедов 2024 йил мобайнида дастлаб турмуш ўртоғи номига банклардан пластик карта расмийлаштиришга муваф-

фақ бўлган ва унга билдирмай, мобил илова орқали рафиқаси номига шартнома расмийлаштириб, унинг юзини суратга олиб, онлайн режимида банклардан бир неча маротаба онлайн кредитлар олган.

Хуфиёна олинган мазкур маблағларни ўз карта рақами ҳисобига ўтказиб, ноқонуний йўл билан топилган пул маблағларини шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборди. Қайта-қайта содир этилган мазкур жиноятлар натижасида турмуш ўртоғига етказилган зарар қарийб 100 миллион сўмни ташкил этган.

Шунингдек, у худди шу тарзда яна 12 нафар ҳамкасби номига ҳам онлайн кредитлар олиб, уларга 1 миллиард 300 миллион сўм моддий зарар етказган. Жиноят йўли билан топилган маблағларни эса ўз эҳтиёжларига ишлатган. Бироқ "бузоқнинг югургани сомонхонага" деганларидек, М.Аҳмедовнинг жиноий фаолиятига ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан нуқта қўйилди. У 2025 йил 1 январь куни қўлга оли-

ниб, тергов жараёнларида қилмишига тўлиқ иқдор бўлди ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "б", "г" бандлари билан айбдор деб топилди, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Хурматли юртдошлар, юқорида қайд этилган ҳолатлар юзага келмаслиги учун жиноий вазиятдан огоҳ бўлган ҳолда онлайн кредит олишда ҳушёр бўлинг! Фирибгарлар тузоғига тушиб қолмаслик учун банкнинг расмий иловасидан фойдаланинг, шахсий маълумотларингиз (PIN-код, SMS-код)ни ҳеч кимга айтманг. Шартли ноаниқ, олдиндан тўлов талаб қиладиган ёки ижтимоий тармоқлардаги шубҳали ҳаволалар орқали кредит олиш учун ариза берманг. Фақат Марказий банк лицензияланган ташкилотларга мурожаат қилинг.

Ўқтам СОБИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Транспорт прокуратураси
бўлим катта прокурори

УЧРАШУВ

“БУХОРО МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ” ФИЛИАЛИ БОШЛИҒИ ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

“Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбари А.Бозоров иштирокида Тошкент давлат транспорт университетида тахсил олаётган талабалар билан “Раҳбар ва ёшлар учрашуви” бўлиб ўтди.

Учрашув самимий руҳда, очик мулоқот шаклида ташкил этилиб, унда ёшларнинг темир йўл соҳасига бўлган қизиқиши, келажакдаги касбий фаолияти ҳамда яратилаётган имкониятлар кенг муҳокама қилинди. Тадбир давомида “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиалининг республика темир йўл инфратузилмасидаги ўрни, таркибидаги корхона ва ташкилотларда ходимлар



учун яратилган шароитлар ҳамда ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳақида батафсил маълумот берилди. Алишер Бозоров темир йўл тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, замонавий технологик янгиланишлар ва келгу-

Шунингдек, ишга қабул қилиш талаблари, ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш тартиби ва мавжуд имкониятлар юзасидан батафсил тушунтиришлар берилди. Мулоқот қисмида талабалар фаол қатнашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассисдан тўғридан-тўғри жавоб олдилар. Ушбу “Workshop” битирувчи талабалар учун касбий йўналишни аниқлаш, келажак режасини шакллантириш ва соҳада ўз ўрнини топишда муҳим амалий платформа бўлиб хизмат қилди. Учрашув якунида меҳмонлар университетнинг Илғор муҳандислик мактаби ҳамда замонавий ўқув полигонлари фаолияти билан яқиндан танишиб, яратилган шарт-шароитларга юқори баҳо бердилар. Мазкур учрашув ёшларнинг касбий йўналишини белгилаш, уларни темир йўл тизимига жалб этиш ҳамда тажрибали раҳбарлар билан очик мулоқотни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этди.

ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ КУНИДА

“Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбарияти бошчилигидаги ишчи гуруҳи “Жиззах – Бойтоғ – Чимқўрғон”, “Жиззах – Иржар” йўналишидаги темир йўл участкаларида бўлди.



Ҳаракат хавфсизлиги кунинда амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, баҳорги кўрикка қўрилган тайёргарликлар кўздан кечирилди. Кўрик давомида, йўл, алоқа, электр таъминоти, вагон ҳўжаликлари, станциялар фаолияти, темир йўл кесимчалари, бино ва иншоотлар ҳолати, поездлар ҳаракати хавфсизлигини ҳамда меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, ишчи-ходимларга яратилган шароитлар ўрганилди. Шунингдек, жойларда ҳўжаликлар ишчи-ходимлари билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, уларнинг билим ва тажрибаларини янада ошириш мақсадида савол-жавоблар қилинди.

“БУРЧИ-МУЛЛО” БОЛАЛАР СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМҒОҲИДА САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ ЎТКАЗИЛДИ

“Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъуляти чекланган жамияти бош директорининг 2026 йил 27 февралдаги 34-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида болаларни соғломлаштириш оромгоҳларини 2026 йил 3 мавсумига тайёрлаш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.



Мазкур буйруқ асосида оромгоҳларда санитария-гиена талабларига риоя этилиши устувор вазифа этиб белгиланган. Шу муносабат билан “Бурчи-Мулло” болалар соғломлаштириш оромгоҳида Марказий санитария-эпидемиология станцияси филиали бош шифокори З.Қодиров томонидан санитария назорати ўтказилди. Назорат давомида оромгоҳ худудининг санитария ҳолати, озиқ-овқат блокли, сув таъминоти, тиббий хизмат ва яшаш шароитлари атрофлича кўриб чиқилди.

Ўтказилган текширув натижаларига кўра, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда оромгоҳни мавсумга тўлиқ тайёр ҳолга келтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди. Масъул ходимларга белгиланган талабларни ўз вақтида бажариш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОР ВА МАСЪУЛИЯТ МАРКАЗИДА

Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилма объектларининг техник ҳолатини яхшилаш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида худудларда баҳорги кўрик ишлари изчил давом этмоқда.

Ушбу жараён тизим фаолиятини янада такомиллаштириш, мавжуд камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган муҳим амалий босқич ҳисобланади.



“Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбарияти бошчилигида баҳорги кўриқнинг навбатдаги кунини ташкил этилиб, кенг қамровли ўрганиш ишлари олиб борилди. Кўрик давомида барча хизмат ҳўжаликлари фаолияти комплекс тарзда таҳлил қилиниб, техник ҳолат, ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, “Бухоро – Мискин” темир йўл участкасида жойлашган станциялар, ишлаб чиқариш ҳўжаликлари, техник хизмат кўрсатиш объектлари ва инфратузилма иншоотлари ҳолати батафсил ўрганилди. Ҳар бир объектнинг техник ҳолати, хизмат кўрсатиш сифати ҳамда мавжуд шароитлар жойида кўздан кечирилди.

Кўрик доирасида қуйидаги устувор йўналишлар бўйича ишлар амалга оширилди:

- темир йўл излари, сунъий иншоотлар, кўприк ва қувурлар ҳамда инфратузилма объектларининг техник ҳолати ўрганилди;
- электр таъминоти ва контакт тармоқларининг узлуқсиз ишлаши ҳамда техник созлиги текширилди;
- сигнализация, марказлаштириш ва алоқа қурilmаларининг ишончилиги баҳоланди;
- ходимлар учун яратилган меҳнат шароитлари, ишлаб чиқариш маданияти ва ижтимоий-маиший муҳит ўрганилди;
- меҳнат интизоми, ички тартиб-қоидаларга риоя этилиши ҳамда иш самарадорлиги таҳлил қилинди;
- ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган профилактик тадбирлар ҳолати кўриб чиқилди;
- меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиниши назорат қилинди;
- темир йўлда фойдаланиладиган кичик механизмлар, иш қуроллари ва техникаларнинг техник ҳолати, шунингдек, чўл худудиди ишларнинг тезкор ташкил этиш мақсадида автотранспорт воситаларининг созлиги кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, худудда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экилган кўчатларнинг парвариши ҳам алоҳида эътиборга олинди. Текширув давомида аниқланган камчиликлар юзасидан масъул раҳбар ва мутахассисларга аниқ вазифалар белгилаб берилди. Мавжуд муаммоларни қисқа муддатларда бартараф этиш, иш жараёнларини янада такомиллаштириш ҳамда хизмат сифатини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Тизимли равишда олиб борилаётган бундай назорат ва ўрганиш ишлари орқали темир йўл



транспортининг ишончилиги янада оширилиб, йўловчилар ва юк ташиш жараёнларида юқори хавфсизлик даражаси таъминланмоқда.

“ГУМБАЗ” – “УЛУС” СТАНЦИЯЛАРИ ОРАЛИҒИДАГИ ТЕМИР ЙЎЛ КЎПРИГИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАНАДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбариятининг 2024 йил 16 майдаги 363-Ҳ-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбарияти, тегишли филиал раҳбарлари ҳамда Капитал қурилиш дирекцияси вакиллари иборат ишчи гуруҳи томонидан “Гумбаз” – “Улус” станциялари ораллиғидаги 3766-километр 038-пикет худудиди жойлашган темир йўл кўпригини капитал таъмирлаш бўйича ўрганиш ишлари олиб борилди.

Ўрганиш жараёнида кўприқнинг техник ҳолати батафсил таҳлил қилиниб, мавжуд камчиликлар аниқланди ҳамда капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

МИНИ-ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 декабрдаги “Жамоавий спорт турларини ривожлантириш ва иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 421-сонли қарорига



асосан, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаевнинг 2025 йил 20 январдаги 26-Ҳ-сонли буйруқ ижросини таъминлашда ҳамда темир йўлчи ходимлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг ривожлантириш мақсадида “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда ходимлари ўртасида мини-футбол мусобақаси ўтказилди.

Мусобақада жами 10 та жамоа иккита гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро рақобатлашди. Шиддатли ҳамда қизгин кечган учрашувлар натижасида жамоалар қуйидаги ўринларни эгалладилар: 1-ўринни “Қарши” локомотив депоси жамоаси эгаллади. 2-ўрин “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали жамоасига насиб этди. Кучли уқлиқдан Қарши электр таъминоти масофаси жамоаси жой олди.

Ғолиб жамоалар пул мукофотлари билан тақдирландилар.



НА ДОРОГАХ МИРА

В КИТАЕ НАЧАЛАСЬ УКЛАДКА ПУТИ НА ВСМ ЧУНЦИН — ВАНЬЧЖОУ

На юго-западе Китая 3 апреля 2026 г. приступили к укладке 500-метровых рельсовых плетей на ВСМ, которая соединит центр мегаполиса Чунцин в верховьях реки Янцзы с его городом-спутником Ваньчжоу. Планируемый темп укладки может составить до 21 км в среднем в сутки.



ВСМ протяженностью 251 км с семью станциями рассчитана на скорость движения поездов 350 км/ч. Строительство этой железной дороги ведется в сложных геологических условиях, на искусственные сооружения (мосты и тоннели) приходится порядка 87 % длины линии.

Магистраль войдет в состав высокоскоростных коридоров Баотоу (Иньчуань) – Хайкоу и Пекин – Куньмин, став частью опорной сети ВСМ Китая, сформированной из восьми линий направления север – юг и восьми – направления запад – восток.

С ноября 2016 г. Чунцин и Ваньчжоу связаны междугородной линией, рассчитанной на скорость движения до 250 км/ч и входящей в коридор Чунцин – Чжэнчжоу. Время поездки по ней между конечными пунктами (Чунцин-Северный и Ваньчжоу-Северный) составляет около 1,5 ч. ВСМ позволит сократить время в пути на 30 – 40 мин, а также впервые подключить к высокоскоростной сети уезды Чжунсянь и Фэнду. Высокоскоростные поезда будут отправляться со станции Чунцин-Восточный, крупнейшего транспортного узла мегаполиса, введенного в эксплуатацию в 2025 г.

AIP MANAGEMENT УВЕЛИЧИВАЕТ СВОЮ ДОЛЮ В ЛИЗИНГОВОЙ КОМПАНИИ CROSS LONDON TRAINS

AIP Management, специализирующаяся на инвестициях в проекты по декарбонизации конечного потребления, заключила соглашение с лизинговой компанией Cross London Trains (XLT) о приобретении дополнительного пакета ее акций. Компания AIP впервые инвестировала в XLT в 2022 г. Закрытие новой сделки ожидается в первой половине 2026 г. Электрифицированный железнодорожный транспорт является одним из основных инвестиционных направлений AIP Management.



Компании XLT принадлежат 115 электропоездов Desiro City серии 700 постройки Siemens, которая также обеспечивает техническое обслуживание поставленных поездов в рамках долгосрочного контракта с XLT. Электропоезда Desiro City используются на линии Thameslink, связывающей северные пригороды Лондона с южными через его центр и международные аэропорты Лутон и Гатвик. Оператор Govia Thameslink Railway перевозит в этом коридоре около 300 млн пассажиров в год в поездах, арендованных у XLT.

По материалам интернета

САЁХАТ ҚИЛИНГ!

Качкар тоғлари Шимолий Қора денгиз минтақасида, Ризе ва Артвин вилоятлари ҳудудида жойлашган бўлиб, мамлакатнинг диққатга сазовор туризм масканларидан биридир. Сўнгги йилларда бу ҳудуд нуфузли халқаро тадбирлар орқали жаҳон миқёсида тобора кенг танилмоқда. Хусусан, ўтган йили бу ерда "Қасқар by UTMB" тоғ ультрамарафони муваффақиятли ўтказилди. Унинг мантиқий давоми сифатида жорий йилнинг 17-18 апрель кунлари Ризе шаҳрида Халқаро Качкар туризм ярмаркаси бўлиб ўтади.

КАЧКАР ТОҒЛАРИ ХАЛҚАРО ТУРИЗМ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Туркия Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ҳамда Туркия туризми танитиш ва ривожлантириш агентлиги (TGA) кўмагида ташкил этилаётган мазкур ярмарка Качкар тоғлари ва Қора денгиз минтақасининг бетақдор табиий гўзаллиги ҳамда бой маданий меросини жаҳонга танитишни мақсад қилган. Тадбир доирасида янги туризм йўналишлари ва замонавий тенденциялар муҳокама қилинадиган панеллар, конференциялар ҳамда семинарлар ўтказилиб, иштирокчилар учун самарали ҳамкорлик имкониятлари яратилади.



Ярмарка Ризе шаҳридаги Чой бозори ҳудудида ташкил этилади ва унда 1 мингдан ортиқ соҳа вакиллари ҳамда 3 мингдан зиёд ташриф буюрувчилар иштирок этиши кутилмоқда.

ҚОРА ДЕНГИЗ МЎЪЖИЗАЛАР ДИЁРИ: ТАБИАТ, МАДАНИЯТ ВА ТАРИХ УЙҒУНЛИГИ

Качкар тоғлари тўрт фаслга хос бетақдор имкониятлари билан саргузашт ихлосмандлари учун ҳақиқий жаннатдир. Бу ҳудуд мусаффо табиати, бой тарихи ва ранг-баранг гастрономик анъаналари билан ажралиб туради.

Качкарлар Туркиянинг энг соф ва деярли қўл тегмаган табиий ҳудудларидан бири саналади. Бу ерда 50 дан ортиқ кўллар, мафтункор водийлар, ям-яшил ўрмонлар ҳамда турли экотизимлар уйғунлигида шаклланган жўшқин дарёлар мавжуд.



Тоғнинг баландлиги 3 мин 937 метр бўлиб, треккинг, альпинизм ҳамда табиатни чуқур кашф этишни сеувчилар учун ниҳоятда жозибдор маскандир. Ташриф буюрувчилар табиат бағрида сайр қилишлари, бурилишларга бой водийларда велосипед ҳайдашлари, ноёб ёввойи ҳайвонларни кузатишлари ҳамда ҳайратланарли манзараларни суратга олишлари мумкин.

Качкарлар барқарор туризм имкониятлари, экологик тоза масканлари, ўзига хос маҳаллий ҳаёт тарзи ҳамда тарихий обидалари билан ҳам ажралиб туради. Яйлов аҳолиси ўзининг қадимий тили, бой мероси ва анъанавий хунармандчилиги орқали ҳудуд руҳини намоён этади. Ҳорон рақси, фестиваллар ва чой йигим-терими байрамлари эса бу масканнинг қувончга бой анъаналарини ҳис этиш имконини беради.

Ҳудуднинг ўзига хос ва бой ошхона мероси ушбу тажрибаларни янада бойитади. Органик асал, шифобахш тоғ ўтлари, дунёга машҳур чойи ҳамда янги денгиз маҳсулотлари билан танилган бу маскан Качкарлардаги ҳар бир саргузаштни чинакам унутилмас лаҳзага айлантиради.

Апрель ойида бўлиб ўтадиган ярмаркадан сўнг, 2026 йилги "Қасқар by UTMB" мусобақаси 11-13 сентябрь кунлари Ризе шаҳрида ўтказилади.



МУАССИСЛАР:

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

Ташхир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусаҳҳиҳ –
Умида ТҮЙЧИБОЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш.,
Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-434 Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6

ХОНАНДА РЕЯНЕ ЯКУБОВА 1993 ЙИЛ 30 АВГУСТ КУНИ НАВОИЙ ШАҲРИДА ТУҒИЛГАН. 2018 ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИНИНГ "ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ (ВОКАЛ ЖАМОАЛАРИГА РАҲБАРЛИК) ЙЎНАЛИШИ"НИ ТАМОМЛАДИ. ЁШ БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ СЕРМАҲСУЛ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА БИР ҚАТОР МУКОФОТ ВА СОВРИНЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ. ШУНИНГДЕК, "ZOR TV"ДАГИ "THE COVER UP" ҲАМДА "OVOZ" ЛОЙИҲАЛАРИДА ИШТИРОК ЭТГАН. ҲОЗИРДА УНИНГ ЎН БЕШДАН ОРТИҚ МУАЛЛИФЛИК ҚЎШИҚЛАРИ ВА МУАЛЛИФЛИК ДУЭТЛАРИ ҲАМ БОР.

РЕЯНЕ ЯКУБОВА:

"РАҚОБАТНИ ЎЗИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДЕБ БИЛИШИМИЗ КЕРАК"



"Golden Names Awards" тақдиротида "Йилнинг энг яхши хонандаси" номинациясини қўлга киритган. Ҳар йили ўтказиладиган "The Best of Uzbekistan" премьер лойиҳасида "Севиб қолдим" таронаси учун мукофотни қўлга киритган. "Global Select of Uzbekistan" маросимида ҳам маданият ва ижодни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун тақдирланган. Ойлали, бир нафар фарзанднинг меҳрибон онаси.

кавер, хип-хоп, эстрада ёки мақом қай бири сизга маъқулроқ?

– Мен асосан эстрада йўналишида қўшиқ куйлайман, лекин жаз ва поп-рокни ҳам ёқтираман. Менга яқинроғи эса поп-рок йўналишидир. Лекин фаолиятим давомида ҳар хил йўналишда қўшиқ куйлашга ҳаракат қилиб келаман.

– Рақобат сиз учун мотивация ёки босимми?

– Энг яхши йўл мен учун

– рақобатни ўзингни ривожлантириш воситаси, деб қабул қилишдир. Бошқалардан ўтиш эмас, балки кечаги ўзиндан яхшироқ бўлишга эътибор қаратиш фойдалироқ.

– Халқаро саҳналарга ҳам чиқиш режангиз борми?

– Албатта, бу менинг энг катта орзуларимдан бири. Лекин ҳозирги пайтда менга куч ва мотивация етишмаяпти. Чунки халқаро саҳнага чиқиш учун катта тайёргарлик керак,



бу осон эмас. Шунингдек, бунга ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш бўлиши лозим. Лекин ҳаракатдан. Тўғри йўлдан деб уйлайман. Балки яқин вақт мобайнида бу орзум омадим келиб амалга ошиб қолар.

– Хонанда учун продюсер қанчалик керак деб ўйлайсиз, продюсерсиз ҳам машҳур бўлиши мумкинми?

– Бугунги кунда шоу-бизнесда ҳам ижодкорлар фаолиятида ҳам кўп нарса ўзгарди. Менимча ҳозирда хонандаларга продюсерга эҳтиёж йўқ, деб ўйлайман. Чунки интернет кўп нарсани ҳал қилмоқда ва биргина сурат, видео олиб, интернетга қўйсангиз ҳам кўпчилик машҳур бўлиб кетаяпти. Ҳозир энг аввало, ҳаракат ва яхши ғоя ҳамда замонавий қўшиқ бўлса клип олиб, машҳур бўлиш мумкин.

– Ойлага ҳам, ижодга ҳам бирдек вақт ажрата оласизми?

– Албатта, ойлага ҳам, ижодга ҳам бирдек вақт ажратиш осон эмас. Чунки мен олдин фақат ижод қилиб, қўшиқ ёзиш билан вақтимни ўтказар эдим. Ҳаттоки эрталаб соат 5 ларда студиядан чиқиб кетган ҳолатларим ҳам кўп бўлган. Бироқ оилали бўлганимдан сўнг ундай имконият деярли йўқ, десам ҳам бўлади. Лекин барибир ижод қилишга ҳам вақт топаман. Имкон қадар оилали ҳам, ижодни ҳам бирдек олиб боришга ҳаракат қиламан.

– Реяне танқидни қанақа қабул қилади?

– Жуда яхши қабул қиламан. Чунки танқид ҳам кимнингдир мустақил фикри. Ҳар бир танқидни эшитиб, мушоҳада билан хулоса чиқариш керак, деб ўйлайман. Ўзимга билдирилган танқидни эшитиб, дастлаб бироз хафа бўлишим ёки нотўғри тушунишим ҳам мумкин, аммо кейинчалик ўйлаб, мушоҳада қилиб, тўғри қабул қилган ҳолда хулоса чиқараман.

– Шоу-бизнесда сизга ёқмайдиган ҳолатлар ҳам борми?

– Бор албатта, бу хонандаларнинг фонограммдан мунтазам фойдаланишидир. Тўғри, баъзи ҳолатларда, зарурат бўлганда мен ҳам фонограмма ишлатаман, лекин барибир санъаткор қўшиқларни жонли ижро этгани яхши. Биз ҳар доим кўпроқ жонли ижрони қўллаб-қувватлашимиз керак, деб ўйлайман. Шунда хонандалар ҳам сифатлироқ ижод қилиб, қўшиқлар яна ҳам яхшироқ бўларди.

– Реяне сиз биринчи мартда поездга қачон чиққансиз? Ўзбекистон темир йўллари нинг бугунги фаолияти ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик...

– Тўғриси, поездга биринчи мартда қачон чиқганимни эслай олмайман, лекин болалигимда поездларда кўп юрганман. Бугунги кунда ҳам замонавий поездларимиздан кўп фойдаланиб тураман, чунки ота-онам бошқа шаҳарда туришади ва уларни кўргани асосан "Афросиёб" поездида бораман. Ушбу поезд жуда қулай ва юқори тезликда ҳаракатланади. Манзил-ҳолатларим ҳам кўп бўлган. Бироқ оилали бўлганимдан сўнг ундай имконият деярли йўқ, десам ҳам бўлади. Лекин барибир ижод қилишга ҳам вақт топаман. Имкон қадар оилали ҳам, ижодни ҳам бирдек олиб боришга ҳаракат қиламан.

Аваз ОМОНОВ
суҳбатлашди